

**QORAQALPOG'ISTON
RESPUBLIKASI
VAZIRLAR KENGASHINING
QARORI**



**QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASI
MINISTRLER KENESININ
QARARI**

2023 - yil 25 - mart

100-13-0-Q/23

Qoraqalpog'iston Respublikasi
Vazirlar Kengashi

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 мартдаги
“Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги
ПҚ-98-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 мартдаги “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-98-сонли қарорининг ижросини таъминлаш, шунингдек муборак Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 мартдаги “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-98-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. 2023 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши **23 март** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари (Р.Нуразизов) Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда Рамазон ойининг **миллий анъана ва қадриятларга мос ва муносиб тарзда ўтказишга** доир чора-тадбирларни белгиланган тартибда амалга оширсин.

Жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятидан мужассам бўлган одамийлик, инсон шаънини улуғлаш, яхшилик ва меҳру-соҳоват каби фазилатларни намоён этадиган, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизни қадрлаш, оила ва маҳаллаларда, бутун юртимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни ташкил этишга алоҳида

эътибор қаратилсин.

4. Қорақалпоғистон Телерадиокомпанияси (Қ.Бекбаўлиев), Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (А.Бекмуратов) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Р.Нуразизов зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар
Кенгаши Раиси**



Ф.Эрманов